# ХОРИЖИЙ ОАВ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЯНГИ КИТОБИ ҲАҚИДА

*(Давоми.Боши 1-бетда).*

**«Ал-Рай»** газетаси мамлакатимиз раҳбарияти томонидан мустақилликнинг илк йилларида ишлаб чиқилган ижтимоий йўналтирилган эркин бозор иқтисодиётига ўтиш моделига алоҳида эътибор қаратади. «Моделнинг асосини мамлакатда оғишмай амал қилинадиган бешта тамойил ташкил этади. Бу – иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги, давлатнинг бош ислоҳотчи вазифасини ўз зиммасига олиши, қонун устуворлигини таъминлаш, ислоҳотларни босқичма-босқич олиб бориш ва кучли ижтимоий ҳимоядан иборат», деб ёзади газета.

Францияning **«La Lettre Diplomatique»** журнали бош муҳаррири **Д. Видальнинг** ёзишича, «Президент Ислом Каримовнинг китоби чиндан ҳам таҳлилий меҳнат маҳсули бўлиб, унинг замирида долзарб ҳолатга нисбатан воқеликка жуда яқин бўлган, шунингдек, глобал молиявий инқирознинг юзага келиши мумкин бўлган оқибатларига нисбатан муносабатлар баён этилган. Асарда келтирилган жаҳон инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига салбий таъсирини тан олиш ҳақида хулоса чиқаришга имкон берувчи таҳлил ниҳоятда муҳимдир.

Ўзбекистон раҳбариятининг мамлакат шароитида инқироздан самарали чиқишга оид ёндашувга бўлган қатъий ишончи алоҳида эътиборга моликдир. Сир эмаски, мустақиллик эълон қилинган илк дамларданоқ Ўзбекистон томонидан бошқарувнинг маъмурий буйруқбозликдан бозор тизимига ўтиш жараёнида ижтимоий-иқтисодий ривожланишга нисбатан эволюцион ёндашувнинг танлангани бунга муҳим замин бўлади.

Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон давлатини ривожланиш тамойиллари асосини яратишдаги ниҳоятда узоқни кўра билиш сиёсатини таъкидлаш жоиз. Шу ўринда давлатнинг бош ислоҳотчи сифатидаги ролини аниқлаш ўтиш даврининг фундаментал тамойили ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, кузатилаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатлари Ўзбекистон ҳукумати олиб бораётган сиёсатнинг тўғрилигини яна бир бор исботлади. Ундан ташқари, улар ушбу сиёсатни давом эттириш мақсадга муқофиқлиги тўғрисида ўйлашга мажбур этмоқда.

**«Деловой Казахстан» иқтисодий ҳафталик журнали** «Ўзбекистоннинг ҳаракат тамойиллари» сарлавҳали мақолани чоп этди. Мақола муаллифи В. Зайцеванинг ёзишича, Ўзбекистон раҳбари ўз мамлакати мисолида «жаҳон молиявий инқирозининг ҳар бир давлатга таъсир этиш даражаси ва чуқурлиги, авваломбор, у ёки бу давлатнинг молиявий-иқтисодий ва банк тизимларининг барқарорлиги ва мустаҳкамлигига ҳамда уларнинг ҳимоя механизмлари қанчалик кучли йўлга қўйилганлигига боғлиқ", — деган ҳақиқатни илгари суради.

Китобда Ўзбекистон, унинг молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизими, шунингдек, корхоналар ва иқтисодиёт реал соҳаси тармоқларининг барқарор ва тўхтовсиз ишлашини таъминлайдиган мустаҳкам заҳираси ва зарур ресурс базаси ҳақида фойдали маълумотлар келтирилган. Ўзбекистон тижорат банклари активлари миқдори, яратилган резервларни инобатга олган ҳолда, 13 триллион 360 миллиард сўмдан зиёд бўлиб, бу кўрсаткич аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлардан жалб этилган депозитлар миқдоридан тахминан 2,4 маротаба кўп.

Сўнгги икки йил мобайнида ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ҳажми 2,5 мартага ошган. 2009 йилда республика иқтисодиётига йўналтирилган хорижий ва ички инвестицияларни эътиборга олган ҳолда мамлакат ялпи ички маҳсулотида капитал сармояларнинг умумий кўлами 25 фоиздан кам эмас. 2008 йилда ялпи ички маҳсулот ўсиб, 109 фоизни, саноат ўсиш кўрсаткичи 112,7 фоизни, шунингдек, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 117,7 фоизни ташкил этди. Хизмат кўрсатиш соҳаси 21,3, қурилиш соҳаси 8,3, транспортда юк ташиш ҳажми 10,2, савдо соҳаси 7,2 фоизга ўсди.

Давлат бюджети ортиғи билан бажарилган, мамлакат ялпи ички маҳсулотида кўзда тутилган дефицит ўрнига 1,5 фоиз миқдорида профицитга эришилган.

Жаҳон молиявий инқирозини бартараф этиш йўллари ҳақида гапирар экан, Президент Ислом Каримов 2009 йилда амалга ошириш учун бир неча устувор вазифаларни белгилайди: мамлакатда 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш, таркибий ўзгаришларни давом эттириш ва иқтисодиётни диверсификация қилиш, банк ишини янада такомиллаштириш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, хизмат кўрсатиш ва кичик бизнес соҳаларини жадал ривожлантириш».

**«BaltInfo» ахборот агентлиги**нинг (Россия) ёзишича, «Ислом Каримовнинг китобида муайян мамлакат мисолида қабул қилинган инқирозга қарши чораларнинг ижобий жиҳатлари ёритиб берилган. Китобнинг биринчи қисми Ўзбекистон иқтисодиётига жаҳон инқирозининг таъсири ва унинг оқибатларини енгиллаштириш омилларига бағишланган. Иккинчи қисмида эса, Ўзбекистон банк тизимини рағбатлантириш, уни модернизациялаш, ишлаб чиқаришни техник янгилаш ва диверсификация қилиш тўғрисида фикр юритилади. Шу ўринда инновацион технологияларни жорий этиш инқирозни бартараф этиш ва Ўзбекистонни жаҳон бозорида янги даражага эришишининг асосий йўли сифатида баён этилган.

Муаллифнинг фикрига кўра, Ўзбекистонда қабул қилинган ўз ислоҳ қилиш ва модернизациялаш моделида бошданоқ "шок терапияси" усулидан ва бозор иқтисодиёти ўзини ўзи тартибга солади тўғрисидаги ёлғон тасаввурлардан воз кечиш кўзда тутилган.

"Мамлакат жаҳон молиявий инқирозининг синовига бардош берди ҳам, унинг Ўзбекистонга таъсири минтақанинг бошқа давлатларига солиштирганда унчалик сезиларли бўлмади, — таъкидлайди «BaltInfo». – Буни Президент Ислом Каримовнинг китобида келтирилган рақам ва мисолларда ҳам кўриш мумкин.

Ўзбекистон ўз вақтида узоқ муддатли ва имтиёзли фоизларга асосланган хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳисобига қисқа муддатли кредитлардан воз кечди. Амалиётда агар давлат уларнинг ўз вақтида хизмат кўрсатишига қатъий ишончи ва кафолати бўлмаган тақдирда, у ёки бу лойиҳаларни маблағ билан таъминлаш таклифларидан воз кечган ҳолатлар бўлган.

Мамлакат раҳбарининг фикрига кўра, Ўзбекистон тижорат банкларини тўлов қобилияти ва миқдори масалалари ташвишга солаётгани йўқ. Балки, Ўзбекистон ўзининг ишончли ҳамкор эканлигини охирги икки йил ичида ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ҳажмининг 2,5 бараварга оширгани билан намоён этди. Жорий йилда ва умуман, иқтисодиётга сармоя олиб кириш ҳажмини мамлакат ялпи ички маҳсулотининг чорак қисмига етказиш режалаштирилган.

Китобнинг ўзига хос жиҳати, унда Президент Ислом Каримов инқироздан кейинги тараққиёт истиқболига тўхталган. Нархларнинг ошиб кетишига йўл қўймасликка чора сифатида ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва техник қайта жиҳозлаш, иқтисодиётни диверсификациялаш, солиқларни камайтириш ва энергия тежамкорлигини жорий этиш ҳисобига маҳсулот таннархини камайтиришга урғу берилди.

Масалан, 2012 йилга қадар тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар қўшимча қиймат солиғидан ташқари бюджетга тўланадиган барча солиқлардан озод этилган.

Инқирозга қарши чоралар дастурида ижтимоий сектор ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилган. Дарвоқе, бу йил Ўзбекистонда «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилинган. Ислом Каримов ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш мамлакат модернизациялашуви ва аҳоли бандлигини ошишининг муҳим омили сифатида кўради», — деб таъкидлайди «BaltInfo» ахборот агентлиги.

**«Жаҳон» АА**

# АГРОБИЗНЕС УЧУН РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ ОМИЛЛАР

*(Давоми.Боши 1-бетда).*

— Биз бундай кўргазмада тўртинчи бор иштирок этмоқдамиз, — дейди "Viniks" компанияси бош директори Виктор Смирнов. — Ушбу форум ўз самарасини бераётганига яна бир карра ишонч ҳосил қилмоқдаман. Унинг иштирокчилари сони йил сайин кўпайиб бораётгани бунинг яққол тасдиғидир. Тузаётган шартномаларимиз сони ҳам кўпайди. Таъкидлаш керакки, ускуналаримизни ўзбек сўмига сотамиз, уларни олиб келиш, монтаж қилиш, илк маҳсулот ишлаб чиқарилишигача бўлган ишларни ўз зиммамизга оламиз.

Тошкент вилояти Зангиота туманидан фермер Туроб Ваҳобов кўп йиллардан буён сабзавотчилик билан шуғулланади. У карам, помидор, бодринг, бақлажон каби сабзавотларни етиштиради. Бунинг учун қишлоқ хўжалик техникаси бор, мўл ҳосил олади, аммо уларнинг ҳаммасини сотишга улгурмайди. Шу боис унга етиштирган маҳсулотларини қайта ишлаш ускуналари керак. У ана шундай ускунани танлаш мақсадида кўргазмада қатнашмоқда. Бу ерда намойиш этилаётган минитехнологиялар ва ихчам ускуналарни диққат билан кўздан кечириб, фирмалар вакиллари билан маслаҳатлашмоқда. Бунда буюртмачи ва ишлаб чиқарувчилар самарали музокара ўтказиши ва ўзаро келишиши учун барча шарт-шароит яратилгани қўл келмоқда.

Шунингдек, кўргазма доирасида мамлакатимиз фермер хўжаликлари, агрофирмалар ва кичик корхоналарининг хорижий минитехнологиялар ҳамда ихчам ускуналар ишлаб чиқарувчилар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигини ривожлантиришга хизмат қилувчи қатор ихтисослашган семинарлар, "Мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича замонавий минитехнологиялар", "Гўшт-сут маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича замонавий минитехнологиялар", "Халқаро шартномаларни тайёрлаш ва имзолаш тартиби" каби мавзуларда илғор технологиялар ҳамда замонавий ускуналар тақдимоти бўлиб ўтади.

Ўтган йилларда бўлгани каби, мазкур кўргазма-савдо қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг айрим соҳалари бўйича Фарғона, Самарқанд, Қарши ва Урганчда давом этади.

Кўргазманинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.Шоисматов иштирок этди.

**В.НИКОЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири**

*Иқтисодиёт*

# СЎЗАНАЛАР ЖИЛОСИ

***Каштачилик — момомерос ҳунарлардан саналади. Миллий қадриятларимиз тикланиб, шарқона азалий анъаналаримиз қадрини топган мустақиллик йилларида халқ амалий ҳунармандчилигининг йўналишларидан бирига айланган каштачилик ҳам ривожланиб бормоқда.***

Айниқса, ёшларимиз унинг сир-асрорларини ўрганиб, қадимий нусхаларини тиклаётгани, такрорланмас буюмлар ратаётгани эътиборга лойиқдир. Ўғилой Хўжаева ҳам қарийб 5 йилдирки, оддий бигиз ускунасидан фойдаланиб турли хил каштачилик ашёларини тайёрламоқда. Ипак, адрас, бўз матолари ҳамда табиий бўёқлардан фойдаланилган иплар ранг-баранг маҳсулотлар тайёрлашда каштачига қўл келмоқда.

— Каштачиликнинг қадимий услубларини устозларимдан ўрганган ҳолда ҳозирги пайтда хилма-хил буюмларда уларни акс эттирмоқдаман, — дейди Ўғилой Хўжаева. — Уларни тайёрлаш учун, аввало эскизларни тахт қилиб оламан. Сўнгра ипак ипларни танлаган ҳолда кашта тикиб жило бераман. Ўтган йиллар давомида жуда кўплаб буюмлар яратдим. Улар орасида сўзаналар, ёстиқ жилдлари, турли эсдалик буюмлари бор. Ҳозирда эса каштачилик асосида кийим-кечаклар яратиш устида ишлаяпман. Улар орасида хотин-қизлар учун нимча, халат ва костюмлар, эркаклар тўнларининг ўзига хос моделларини яратмоқчиман.

Каштачи ҳунарманд айни пайтда шогирдлар ҳам тайёрламоқда. У 3 нафар қизга каштачилик сирларини ўргатмоқда. Келгусида эса уларнинг сафини янада кенгайтириш, харидорларга янги маҳсулотларни тортиқ этиш мақсадини олдига қўйган.

# ЯНГИ МОДЕЛЛАР ЯРАТИЛМОҚДА

***Бозорларимизда, дўконларимиз пештахталарида ўзимизда ишлаб чиқарилган бугунги кун талабларига, истеъмолчи дидига жавоб берадиган кийим-кечакларимиз турлари ортиб бормоқдаки, муҳими улар сифати ва кўриниши билан импорт ўрнини босмоқда, харидорларга манзур бўлмоқда.***

«ZAMIN TURKISTON» масъулияти чекланган жамияти ҳам ана шундай ишлаб чиқарувчилар сирасига кириб, фаолият бошлаганига эндигина 2 йилдан ошди. Мана шу қисқа давр мобайнида бу ерда тайёрланган эркаклар устки либослари — замонавий ва классик услубдаги костюм-шимлар харидорларини топа олди. Шу боис ҳам илк фаолияти давридаги 3 хил модел бугунга келиб 15 хилга етди. Ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши натижасида эса ишчи ўринлари ҳам 2 бараварга кўпайиб, 40 нафарга етди.

— Ўтган йилда «Алоқабанк»дан 206 миллион сўм кредит олиб, — дейди корхона раҳбари Равшан Мирзамаҳмудов, — шу ҳисобдан Германия, Хитой, Туркия давлатларидан энг замонавий — компьютерлашган тикув дастгоҳлари ва пресс дазмол ускуналарини келтирдик. Цехларимизнинг мана шундай дастгоҳлар билан жиҳозланиши натижасида маҳсулотларимиз моделлари ортиб, сифати юксалди. Шу боис ҳам ўтган йилда аввалги йилдагига нисбатан салкам беш баравар кўп — 209 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот тайёрлашга муваффақ бўлдик. Соф фойда 72,4 миллион сўмни ташкил этди. Жорий йил режаларимиз эса бундан ҳам юксак бўлиб, ташқи бозорга чиқишни кўзлаб турибмиз.

Ҳақиқатан ҳам корхонанинг кўзда тутган истиқбол режалари буни яққол тасдиқлаб турибди. Тадбиркорлар жорий йилда ишлаб чиқариш ҳажмини 330 миллион сўмга етказишни, рақобатбардош товарларнинг 50 фоизини МДҲ давлатларига экспорт қилишни режалашган. Ишлаб чиқаришни кенгайтириш натижасида яна 25 нафар фуқарони иш билан таъминлаш ҳам асосий режалар сирасига киради.

**Шарофат БАҲРОМОВА**

***Ўзбекистон ҳар жиҳатдан улуғ диёр, шу билан бирга бугунги кунда баркамоллик сари интилаётган давлат. Зеро Ўзбекистон – бу ёшлар мамлакати. Юртимиз аҳолисининг деярли 70 фоизини ўсиб келаётган авлод ташкил этади.***



# ҲАР ЖАБҲАДА ФАОЛ БЎЛАЙЛИК

Ёш авлодни комил инсон қилиб вояга етказиш, ёт мафкуралар, ғаразли мақсадлардан, турли ғоялар таҳдид қилишидан асраш ва ёшларда бу иллатларга қарши туриш кўникмаларини шакллантириш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидан биридир.

Бу борада айниқса ёшларимизнинг замон талабига мос таълим олиши, соғлом турмуш юритиши, ҳар жиҳатдан мукаммалликка эришиши юртимиз келажаги учун нечоғлик муҳим эканлиги яхши маълум. Ёшлар – эртанги кун, келажак ворисларидир.

Барча олий ўқув юртларида диний ақидапарастлик ва миссионерликнинг салбий оқибатлари ҳамда уларга қарши курашиш мавзусида ўтказилаётган туркум семинарлар ҳам ана шу мақсадда ташкил қилинаётир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита ташкилотчилигида уюштирилаётган мазкур тадбирларда нафақат мутахассислар, балки ёшлар ҳам фаол қатнашиб, ўз чиқишларида мавзуга оид фикр-мулоҳазаларни билдиришмоқда.

Дарҳақиқат, дин — бу инсонни яхшиликка, покликка етакловчи омилдир. Афсуски, тенгдошларимиз орасида ҳам турли иллатлар қурбонига айланиб қолганлари бор. Бу, албатта, жуда ачинарли ҳол. Давра суҳбати тарзида ўтаётган семинар-машғулотлар талабалар учун дин номидан гапирувчи айрим кимсаларнинг ғаразли мақсадини англаб етишида муҳим аҳамият касб этиши, шубҳасиз.

«Юксак маънавиятли инсон ҳеч қандай ёвуз ниятлар орқасидан эргашмайди», дейди мамлакатимиз раҳбари. Ҳар бир инсон интеллектуал қобилиятга эга. Ҳозирги шиддатли давр эса ёшларимиз онгини юксалтиришни, уларни ҳам маънавий, ҳам жисмонан соғлом қилиб тарбиялашни тақозо этмоқда ва бу борадаги ҳаракат бутун жамиятимизнинг ҳаракатига айланган десак, муболаға бўлмайди.

Биз, Ўзбекистон ёшлари, мамлакатимизнинг ривожланган давлатлар орасида тенг ҳуқуқли ўринни эгаллаб боришини истар эканмиз, биринчи навбатда бизга ёт бўлган иллатларга қарши яхши ўқиш, одоб-ахлоқ намунаси бўлиб, соғлом ғояни илгари сурган ҳолда курашмоғимиз даркор.

**Гулнора ОРИПОВА,**
**Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетининг 1-босқич талабаси**

*9 май — Хотира ва қадрлаш куни*

# ФАХРИЙЛАР — ЭЪЗОЗДА

***Тошкент шаҳрининг Собир Раҳимов туманида 9 май — Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган учрашув бўлиб ўтди.***

Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси марказий кенгаши ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбирда уруш ва меҳнат фахрийлари, жамоат ташкилотлари вакиллари, ёшлар иштирок этди.

«Нуроний» жамғармаси марказий кенгаши раиси Э.Боқибоев, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдураҳимова, уруш фахрийси М.Ҳасанов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 9 майнинг Хотира ва қадрлаш куни, деб эълон қилиниши ва кенг нишонланиши юртимизда инсон манфаатларини ҳар томонлама ҳимоялаш борасида изчиллик билан амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига бўлган эҳтиром ва эътиборнинг амалдаги ифодаси эканини алоҳида таъкидлади.

Бугунги кунда юртимизда 3 миллионга яқин пенсионер, шу жумладан, 12,5 минг нафардан зиёд уруш қатнашчиси ва ногирони яшайди. Уруш қатнашчиларини ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Юртбошимизнинг шу йил 15 апрелда қабул қилинган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантиришга доир фармони бунинг яна бир далилидир.

Ёш авлодни ҳаётга қатъий эътиқод ва қарашлар, умуминсоний қадриятларимизга ҳурмат, Ватанга меҳр-муҳаббат, садоқат, келажакка ишонч руҳида тарбиялашда фахрийларимиз ўз бой ҳаётий тажрибаси ва билими билан ибрат бўлмоқда.

Тадбирда фахрийларга қимматбаҳо совғалар топширилди. Байрам концерти намойиш этилди.

**Т.БОТИРБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири**

# ТРАНСПОРТ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

***Тошкент шаҳридаги транспорт соҳасига оид ислоҳотларни халқ оммасига етказиш, бу борадаги самарали ишларга жамоатчилик эътиборини қаратиш мақсадида кўпгина ишлар амалга ошириб келинмоқда.***

Шу маънода Тошкент шаҳар ҳокимининг жорий йил 10 апрелда қабул қилинган «Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш транспорти ишини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида пойтахт туманларида ишчи гуруҳлари фаолият олиб бормоқда.

Куни кеча ишчи гуруҳининг Яккасарой туманидаги ишларни сарҳисоб қилиш, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари раислари, маҳалла оқсоқоллари, халқ таълими муассасалари вакиллари, «Камолот» ЁИҲ етакчилари иштирокида соҳада амалга оширилаётган фаолиятга эътибор қаратиш мақсадида 114-мактабда йиғилиш бўлиб ўтди.

Тадбирни Яккасарой тумани ҳокими Вали Муллажонов очди. Шундан сўнг сўз олган Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси раиси Ш.Муҳаммаджонов том маънода «Шарқ дарвозаси», дея эътироф этилаётган Тошкент шаҳрининг қутлуғ тўйи арафасида транспорт тизимида жиддий ислоҳотлар амалга оширилаётганлиги энг аввало ижтимоий-маиший, иқтисодий соҳада олиб борилаётган амалий ўзгаришларнинг узвий давомини ташкил этиши ҳақида тўхталиб ўтди.

Бу борада пойтахтимизнинг марказий туманларидан бири ҳисобланган Яккасарой тумани миқёсида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, бугунги кунда йўловчи ташиш билан шуғулланувчи юридик ташкилотлар сони туманда 5 тани ташкил этмоқда. Улар сирасига «Витрус барака», «АЗК Билдинг Платс», «Бек Гарант», «Зафар ватанпарвар», Комронбек-Медиа» масъулияти чекланган жамиятлари киради. Ҳар куни 4 та йўналиш бўйича 39 та микроавтобусларда ва шаҳар ичида 8 та енгил «такси» автомобилларида аҳолига транспорт хизмати кўрсатиб келинмоқда. Кундалик транспортларга чиқиш 85-90 фоизни ташкил қилади. Ҳозирги кунда туманда ҳар куни 218 дан ортиқ бўлган, замон талабларига тўла жавоб берувчи «Мерседес-Бенц», «Форд», «Тойота», «Исузу», «Газель» русумидаги автобуслар хизмат қилмоқда. Жамоат транспортининг туман ҳудудидан ўтувчи йўналишлари ишчи гуруҳи томонидан назоратга олинган бўлиб, 109 та оралиқ бекатларда ҳамда 3 та шоҳбекатларда станция ҳолати яхшиланган. Янги турдаги «Француз» туркумидаги тўхташ бекатларининг умумий сони 15 тага етказилди. Бекатларда жойлашган савдо павильонлари сони 28 тага ортди.

* * *

Худди шундай тадбирлардан бири Собир Раҳимов туманидаги «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида ҳам ўтказилди.

Мазкур тадбирда тўхталиб ўтилганидек, эндиликда тасарруф этилиши мўлжалланган 200 та «Mercedes-Benz Coneto Low Floor», 550 га яқин «Исузи» русумли автобуслар, 30 та «71-619 КТ» русумли трамвайларнинг пойтахт кўчаларида ҳаракатланишини ҳисобга олиб, йўловчи ташиш соҳасидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш мавжуд муаммоларни ечиш йўлида жамиятнинг етакчи қатлами ҳисобланган ёшлар билан ҳамкорликда иш олиб бориш зарур.

Ҳар икки йиғилишда ҳам келгусида ҳал этилиши лозим бўлган вазифалар жамоатчилик фикр-мулоҳазалари асосида таҳлил этилди. Ютуқлар истиқболига хизмат қиладиган қарорлар қабул қилинди.

**Қобул ТУРДИҚУЛОВ**

